O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

O'zMTDP

Gazeta 1995 yil, 10 iyundan chiqa boshlagan

Milliy Tiklanish

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining haftalik gazetasi | 2002 yil, 27 август | 14–17 (267) son

ОЛАМ УЗРА НОМИ КЕТГАН ЎЗБЕКИСТОН, ЎЗБЕГИМ!

Бу сонда:

«ОҚ АЖАЛ» ДОМИДА КИМГА ҚАНЧАДАН?
2-бет

КАТАҒОН ТУРОН ЙЎЛБАРСИ КАНЦ?
3-бет

ТАВАККАЛ ҚОДИРОВНИ ЭСЛАБ ВОДИЙ АФАНДИСИ
4-бет

Шарифа САЛИМОВА

СЎЛМАС БОҒТА АЙЛАНАР ВАТАН

ЯХШИРОҚ

Бердақҳа ўхшатма

Ёт ўлкада адрас-кимхоб кийгандан,
Тоғ армондан ерга кириб юргандан,
Ўзгаларга қуллуқ қилиб тургандан
Ўз элингда ёвғон ичган яхшироқ.
Булбул эсанг, зоғ тушунмас тилингни,
Дўст-душманга оча кўрма сиринги.
Дардларига ярамасанг элингни
Шувоқ ўсган бир биёбон яхшироқ.
Дарахт бўлсанг, меваларинг бўлмаса,
Жон-жигаринг ҳузурингни кўрмаса,
Соясидан эл миннатдор бўлмаса,
Йўлда ётган битта гаврон яхшироқ.
Меҳр қўйиб суйиб юрсанг дўстингни,
Баҳам кўрсанг бору ками-кўстингни.
Сездирмайин шилиб олса пўстингни,
Ханжар тутган битта душман яхшироқ.
Ҳаргиз, ҳаргиз ема миннат нонини,
У суғуриб олар инсон жонини.
Ҳалқумингда қолган буғдой донидан
Қўрангдаги сариқ сомон яхшироқ.
Осмонларга қўл узатсанг, етмаса,
Чала ишинг сира-сира битмаса,
Остонангдан умидсизлик кетмаса,
Изтироблар чексанг пинҳон яхшироқ.
Қай бир дилни яшаб, сероб этмасанг,
Фақирларга бурда нонинг тутмасанг,
Ташна боққа сувлар қуйиб кетмасанг,
Ақли ноқис ёки нодон яхшироқ.

Эй дил, уйғон, Ҳақни англар вақт етди,
Бу манзилга ким ҳушёр, карахт етди,
Аршдан ерга нур қуршаган тахт етди,
Мингта сўздан битта Қуръон яхшироқ.
Ватан, сенсан ғариб кўнглим чироғи,
Ҳам кўз ёшим, ҳам қувончим булоғи.
Ишқ сўзини эплаб айта билмасанг,
Сармаст булбул - зору нолон яхшироқ.
Оқ сут ҳаққи, белни боғла эл учун,
Азиз тупроқ, шимар ҳалол тер учун,
«Киндик қонинг томиб, тўккан ер учун
Ўйлаб кетгунингча хизмат яхшироқ».

СИЗДА...

Бир кун сўлмас боғга айланар Ватан.
Баҳор боғларида куйлар тинимсиз.
Сиз нурдек тоза-ю, оқ кўнгил инсон,
Менинг шу даргоҳда топган инимсиз.
Дейдилар, аёл бу энг жафокаш зот,
Улуғлар онадан туғилган зотан.
Қалбдаги қуёшнинг ўчмаслиги-чун,
Сиздек иниларга муҳтождир Ватан.
Бу дунё ҳаммадан қолади бир-бир,
Мангумас гўзаллик, дарё, тошлари.
Инсондан инсонлик қолар, деб куйлар,
Қушлар — одамзоднинг қариндошлари.
Кимдир — қайлардадир меҳрга муҳтож
Кимдир қайлардадир ғамдан сочи қор.
Сизда дину иймон, сув тиниқлиги:
Туркистон бекларин кенгликлари бор.



Олий Мажлис депутати, халқ шоири Эркин Воҳидов сайловчилар билан байрам учрашувларида

СЕВИМЛИ МУХЛИСЛАРИМИЗ!

Сиз суйган «Миллий тикланиш» газетасига келгуси ойлар учун обуна давом этмоқда. «МТ»га барча почта алоқа бўлимларида ёзилишингиз мумкин.

Нашр индекси: 158.

Олий Мажлис сессияси олдидан

РЕКЛАМА - ҲАЁТ ТАЛАБИ

ВА У ҲАЁТГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ ҚИЛАЯПТИ?

Бугунги кун ҳаётини, замонавий тараққиёт жараёнларини рекламаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Рекламаларнинг мазмуни ва кўлами кундан-кун ортиб борар экан, уларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, қонуний меъёрларига ҳам назар ташлаш зарурати янгиланиб боради.

Олий Мажлисимизнинг навбатдаги сессиясида "Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш назарда тутилаётгани ҳам шу заруратнинг ифодасидир.

Қуйида олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ўткир Ҳошимовнинг мазкур лойиҳадаги муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар хусусидаги мулоҳазалари билан танишасиз.



Олий Мажлис депутати, партиямиз етакчиларидан Эркин Донаев (ўнгдан) пайвандчи Бешбўри Диёров билан иш жабҳасида

"Реклама тўғрисида"ги Қонун бизда 1998 йил декабр ойида қабул қилинган эди. Ундан бери анча вақт ўтди, ушбу Қонуннинг рекламалар инсон манфаатига хизмат қилиши, кишиларга зарар келтирмаслиги учун улар қандай бўлиши керак деган савол билан боғлиқ пунктлари анчайин таҳрирталаб бўлаётганини ҳаёт кўрсатиб турибди.

"Реклама тўғрисида"ги Қонуннинг муҳим қўшимчалар қайд қилинаётган янги таҳрирдаги лойиҳасига илк бор "товар белгиси" тушунчаси киритилди. Аслида реклама ҳақида сўз кетганда, бу сўзни фақат тор маънодагина тушунмаслик керак. Масалан, телекўрсатув вақтида экраннинг бир чеккасида тамаки япроғи, яъни корхонанинг товар белгиси намойиш қилиниб турилади. Гарчи бу ҳолатда ТВ экранида сигарета тасвири кўзга ташланмаса-да, реклама бераётган корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотини реклама қилаётганини қонун нуқтаи назаридан инкор қилиб бўлмайди. Масалага айнан шу жиҳатдан ёндашилса, товар белгиси қанчалар муҳим аҳамиятга эгалиги равшан бўлади, маҳсулотлар рекламасини таъқиқлаш товар белгисини реклама қилишни ҳам инкор этади.

Гарчи ҳамма ва барча ёшдагилар ҳам истеъмолчи бўлавермаса-да, биз ҳар куни радио ва ойнаи жаҳонда рекламаларни томоша қиламиз, эшитамиз. Кўпинча рекламалар киши соғлигига таъсир қиладиган даражада телекўрсатувлар товушига нисбатан баланд овозда берилади, юқори частотада дабдурустдан бошланиб кетади. "Реклама тўғрисида"ги Қонун лойиҳасига киритилган қўшимчаларда шу ҳолатлар ҳам эътиборга олинган.

Ташқи рекламаларни жойлаштириш ҳақидаги тушунча ҳам лойиҳадаги муҳим ўринлардан биридир. Чунки бундай рекламалар стихияли равишда назоратсиз ўрнатилавермаслиги зарур. Реклама лавҳаларини светофор, чорраҳа, йўл белгилари яқинига жойлаштириш ҳаракат хавфсизлигига таъсир қилади, лавҳалар беихтиёр ҳайдовчилар диққатини жалб этиши мумкин. Ушбу борадаги қўшимчаларни депутатларимиз маъқулласалар ва улар Қонунда қайд этилса, мазкур қонуний кўрсатмаларга амал қилмаган шахслар маълум жарималарни тўлайдилар.

Шунингдек, алкоголли ичимликларни реклама қилишда қўйилаётган қатъий талаблар ҳам катта аҳамиятга молик ва жамоатчилик фикрини тортади, деб ўйлайман. Масалан, қувати 20 даражагача бўлган алкоголли ичимликлар рекламаси умумий таълим мактаблари ва мактабгача тарбия муассасаларидан камида 500 метр нарида жойлаштирилиши шарти билан рухсат этиларди. Энди эса бунга лицейлар, коллежлар ва олий таълим даргоҳлари ҳам киритилмоқда.

Амалдаги Қонунда тамаки ва тамаки маҳсулотларини реклама қилишнинг белгиланган меъёрлари бор. Дейлик, унда соат 22 дан кейин ва эрталаб соат 7 гача уларни реклама қилиш ҳақида сўз юритилган. Таклиф этилаётган лойиҳада бу қоидаларни янада қатъийроқ қўйиш, тамаки ва тамаки маҳсулотларини газета ва журналларда, радио, телевидениеда, жамоатчилик транспортида реклама қилишни таъқиқлаш кўзда тутилган. Ишонаманки, ушбу қўшимча юртимиз аҳолисининг соғлом турмуш тарзи ва унга ёшларимизнинг тўғри муносабатда бўлишини истаган кенг қатламларида ўз эътирофини топади. Бу аслида кўпчиликнинг дилидаги гап бўлса, ажаб эмас.

Тамаки ва тамаки маҳсулотлари рекламасини таъқиқлаш Ўзбекистоннинг Франция, Италия, Австралия, Туркия, Янги Зеландия каби илғор мамлакатлар сафида туриб чекишга қарши қатъий чоралар билан курашаётганининг амалий ифодаси бўла олади.

Кўриб чиқилажак мазкур лойиҳа жамият ҳаётида ижобий аҳамият касб этиб, реклама тараққиётни ҳаракатга келтирувчи бир куч эканлигини кўрсатади.

Шаҳидлар хотираси

КАТАҒОН

Бир тарихий даврнинг ўтиши ва иккинчисининг баҳор куртакларидек ниш бериши орасида бир неча авлодлар бу кўҳна дунёга келиб-кетади.

Биз, бошқа авлодлардан фарқли ўлароқ, бир тарихий даврнинг момагулдиракдек гулдираб яшагани-ю, чақмоқдек сўнганини ва мутлақо янги бир тарихий даврнинг келганини ўз кўзимиз билан кўрдик. Бу янги даврнинг жаҳон халқлари учун, айниқса, ўзимиз, ўзбек халқи учун қандай кечиши мумкинлиги кўп жиҳатдан ўтган давр воқеаларини холисона таҳлил қилиш ва унинг сабоқларидан тўғри хулоса чиқаришга боғлиқ.

Ўтган давр ўзбек халқи учун мустамлакачилик, мустабид тузум ҳукм сурган даврдир. Қарийб 130 йил давом этган эрксизлик йилларида халқимизнинг инсоний ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилиб, юз минглаб кишилар қатағонга учради. Шунинг учун ҳам янги асрнинг дастлабки кунларида Президентимиз ташаббуси билан 31 август Қатағон қурбонларини ёд этиш куни деб белгиланди. Шундан бироз олдин Тошкентнинг Юнусобод туманида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи барпо этилди. Шу кеча-кундузда эса ўша жойда «Қатағон қурбонлари хотираси» музейининг қурилиши нихоясига етказилмоқда.

Ҳар қандай кишини ҳаяжонга солувчи бу бир-биридан эзгу ва улуғвор ишлар нафақат жабрдийда аждодларимиз хотирасини эъзозлаш, улар номини абадийлаштиришга қаратилган тарихий воқеа, балки биз бунёд этмоқчи бўлган демократик жамиятнинг дастлабки белгилари ҳамдир. Шунинг учун ҳам биз Президентимизнинг шу борада олиб бораётган изчил сиёсатида барпо этилаётган янги давлат тизимининг устувор тамойилларидан бирини кўрмоқдамиз.

Дарвоқе, куни кеча бўлиб ўтган, қанчадан-қанча хонадонларни вайрон этиб юборган «Пахта иши»ни, бу «иши» бўйича жабр чеккан гуноҳсиз кишиларнинг оҳу-зорини унутиб бўладими?! Уларнинг қанчаси Озодликнинг гўзал чеҳрасига тўймай ўтиб кетди. Улардан аввал – 40-йилларнинг охири – 50-йилларнинг бошларида, ё 30-йилларда, ёхуд 20-йилларнинг этагида яшаганлар-чи? Россия империясининг қиличи, дори ва Сибиридан ҳалок бўлганлар-чи? Улар чеккан, азоб-уқубатларни, улар қалбидан отилиб чиққан фарёдларни унутиб бўладими? Улар руҳи бизга кўз тикиб тургани йўқми?

(Давоми 3-бетда.)

Биз дунёнинг бўлиб олиниши якунланган деймиз. Назаримда, ушбу эътироф маълум даражада нисбийлик касб этаётгандай. Қолаверса, мафкуравий тақсимланиш борасида эса дунё ич-ичидан мангу талаш бўлиб ётади, бу ёвузлик ва эзгулик ўртасидаги курашнинг абадийлиги билан боғлиқ ҳолдир.

Ҳар қандай мазмундаги бўлиниш жараёнларидан тинкаси қуриган инсониятнинг тарихий тажрибаси шуни кўрсатяптики, барча мамлакатларда демократиянинг чинакам қарор топиши ва мустаҳкамланишигина чегаравий тақсимланишларга путур етмаслигини белгилаб туради. Шу ўринда қизиқ бир мулоҳазаларни айтишга тўғри келади. Ибтидоий одамларнинг даҳанаки жанглари, олишувлари суратга олинган дейлик. Бундан беш юз йиллар олдин (бугун ва келажакда ҳам) олам аҳли ушбу жангларни кўрганларида, айниқса, тўқнашиш сабабларига эътибор қилинса, бу уларга кулгули туюлади. Бугунги кунга келиб эса ўтмишдаги қиличу найзалар жанги сабаблари билан бирга бироз эриш туюла бошлади, эҳтимол бирон йиллар ўтиб бу ҳам кулгули ҳол бўлиб кўринар. Автомат, мина, бомба ва шу каби қуроллар жанги устидан кулишга ҳали анчайин эрта. Лекин бир нарса аниқ – инсоният ҳеч қачон ядро қуроли жанглари устидан кулолмайди! Инсоният қачонгача вақт ўтгачгина ўз устидан кулади, деган саволнинг бир аччиқ жавоби бу. Мазкур саволга аслида инсониятга муносиб яшаш нуқтаи назаридан ҳам жавоб берса бўлади, бу жавобни ҳам олам аҳлининг ўзи, аниқроғи, унинг бир қисми бўлган эзгулик кучлари топган ва уни ДЕМОКРАТИЯ атаган.

Дунёда эзгуликнинг ғалаба қилиши ёвузликнинг бутунлай йўқ бўлишига олиб келмайди, у эзгуликдан қуйида – жиловни эгаллашга пайт пойлаб ва аслида ўзига мос бўлган ўринда яшайверади. Чунки ҳеч қачон эзгулик ёвузликка ёмонлик қилмайди, акс ҳолда у эзгулик аталмасди. Лекин ёвузликнинг тўла ғалаба қилиши эзгуликни бутунлай йўқ қилиб ташлаши мумкин, охир-оқибат ёвузлик ўз-ўзини-да маҳв этадики, бу алоҳида мавзудир... Демак, эзгулик ўз-ўзининг ва ёвузликнинг ҳам яшаш шарти, инсоният ҳаётининг давомийлигини белгиловчидир. Катта-кичик ҳар қандай муҳитда, тор ва кенг маънода ҳам ёвуз кучлар ҳамиша ана шу ўз яшаш шартларини унутиб қўяди, балки англамайди. Муносибми-муносиб эмасми, ҳамма нарсага эгалик қилишни, истаклар доирасини ўзгаларнинг эрксизлиги ҳисобига кенгайтириб борилишини хоҳлайди (бунга маълум муддат эришгандай бўлиши ҳам мумкин) ва ҳеч нарсасиз қолаверади. Фикримизни кўпчиликка маълум тарихий воқеалар билан қисқача далиллаш учун Ўзбекистон тарихидаги босқинчиликларни мисол келтириши кифоя. Биз бу ўринда ёвуз кучлар деганда босқинчилардан кўра аввало мамлакат ичкарисидаги ёвуз кучларга эътибор қаратиб, шу жиҳатдан хулоса қилмоқчимиз. Ана шу кучларнинг – ҳукмдорларнинг золимлиги, парокандалиги (айниқса, жанг пайтида), вазиятдан фойдаланиб амалга ошмайдиган ниятларни режалаштирган ички сотқинлар, босқинчи келишидан олдинроқ адолатсизлиги туфайли халқдан айрилиб бўлган ЁВУЗЛИК КУЧЛАРИ ҳамиша босқинчиларнинг ғалаба қилишига сабабчи бўлиб келган. Оқибатда эса уларнинг ўзи ҳам юқорида айтганимиздек, ҳеч нарсасиз қолаверган, улар қуйида – ўз ўрнида яшаш ҳуқуқини ҳам бой берган. Бу бирламчи, бугун бутун дунё тан олаётган демократиянинг кўринишлари учун илк тарихий шароит Ўрта Осиёда сарбадорлар ғоялари билан боғлиқ равишда юзага келган эди. Тарихдан маълумки, сарбадорлар мамлакатни бир шахснинг иродаси эмас, кенгаш ҳукмлари билан бошқариш зарур деган мазмундаги ғояни илгари сурганлар. Соҳибқирон Амир Темур ҳамма ишга (қонунлар ва уларни ижро қилиш) кучи, иқтидори етадиган даҳо подшоҳ эди ва даҳолигини исботлади. У «салтанатимнинг у четидан бу четига бир бола бир лаган тилла кўтариб борса, бир донаси йўқолмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим» деганида ҳақли эди.

Бугуннинг ўйлари

БИР ДОНАСИ ЙЎҚОЛМАСДИ

Бизнингча, ҳар қандай мамлакат мустақилликка эришиши билан унда демократик шароит юзага келади. Бунинг сабаби, мустақилликка эришилган экан, демак бу мамлакатда эзгулик кучларининг таъсири, фаолияти ортган бўлишидир (ёвуз одамлар шу миллат вакили бўлсалар ҳам амалда Ватан озодлиги учун ҳеч иш қилмайдилар, пайт пойлайдилар, холос). Юқоридаги фикрлардан мустақил давлатларда ҳамиша ҳам демократик шароит мавжуд деган хулоса чиқмайди. Чунки ҳар қандай тартиб гарчи сиёсий тушунча бўлса-да, у йиллар давомида шахс бўлиб шаклланган, қайсидир тартиб тимсоли бўлиб фаолият кўрсата оладиган бир неча етук кишиларнинг борлиги билан ҳам белгиланади. Бошқача изоҳланганда, сиёсий оқимлар мавҳум куч эмас, ҳаётдаги бир неча кишилар шахсини жамлаган мавжуд реаллик ҳамдир.

Шу сингари демократик шароит ҳам демократик оқимни белгилайдиган кучлар юзага келган (шаклланган) бўлишини тақозо қилади.

Тарих бизга мурувват қилди. Йўқолиб бораёзган Миллатнинг, тарих саҳнасидан ўчаётган Ватаннинг абадий қолмоғини таъминловчи демократия учун мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб тарихий шароит юзага келди. Кези келганда бу оламшумул, бебаҳо имкониятнинг ўтмишдаги демократик шароитлардан такрорланмас фарқлари ҳам бор. Шулардан бири Ўрта Осиё давлатларининг энди дунёнинг бир қисми билангина эмас, бутун дунё билан чамбарчас боғлиқ ҳолда, кенг қамровда турганлигидир. Бу фан-техника тараққиёти, глобаллашув билан боғлиқ. Энди, содда қилиб айтганда, «отим ориқ, манзил йироқ» деб ўтирилмайди, дунёнинг у четидан бу чети – бир қадам, бир ҳаво тўлқини ёки бир тасвир орқали жаҳон билан тиллашиш, кўришиш мумкин.

Жаҳондаги 60 дан зиёд мамлакатларнинг демократияни танлагани миллат келажаги, жуда жўн қилиб айтганда, ҳар бир яхшию ёмон кишининг ҳам ўзидан туғилажак кейинги авлодларнинг ўз юртида эмин-эркин яшаши, Ватанли бўлиши ҳақида қайғуриганидан бўлса, ажаб эмас.

Беш юз йилдан зиёд вақт ўтиб, Туроннинг бир-бири билан аҳил яшай оладиган мустақил давлатларида шу жумладан, Ўзбекистонда демократияга интилишлар кузатилаётганлиги нақадар қувонарлидир. Демократия бутун дунёда инсониятнинг бундан кейинги яшаш шартига айланаётир. Чунки, бир сўз билан айтганда, инсоният ядро қуроли жанглари устидан кулиш имкониятига эга эмас!...

Дилором ҚЎЗИЖОН

«ОҚ АЖАЛ» ДОМИДА

БИР ОИЛА ВА БИР ҚИШЛОҚ

Бугунги кунда жаҳон аҳолиси 6 миллиардан ошиб кетди, улардан 500 миллиони, яъни салкам 10 фоизи гиёҳвандлик моддаларини доимий истеъмол қилувчилар, шундан 27 миллиони героин моддасини истеъмол этувчи кишилар экан. Энг ачинарли ва ташвишланарли томони шундаки, «оқ ажал» исканжасига тушганларнинг 70 фоизидан кўпроғини ҳали 30 ёшга етмаган ёшлар ташкил қилади.

Суд ҳукми билан икки киши озодликдан маҳрум этилди. Бири 34 ёшли Мақсуд Рўзметов – ўн бир йилга, иккинчиси 29 ёшли Адҳам Исмоилов ўн йилга ҳукм этилди. М. Рўзметов тўрт фарзандининг отаси, суд иш жараёнида албатта унинг фарзандлари боқувчисиз қолаётганини ҳам инобатга олди. Шундай бўлса-да, залда тўпланганлар, унинг аҳли аёли, онаизори ҳукмни эшитгач зор қақшашди. Ахир яна ўн бир йилгача – у муддатни ўтаб чиққунча болаларининг бари балоғат ёшига етиб қолган бўлади, унгача осон эмас. Балки, уларнинг қийналмай яшашлари учун кимдир жон куйдирар. Лекин тенгқурлари орасидаги қувноқлигига, болалик гаштини суриб бор қунтини билим олишга сарфлашига маънавий мадад қайдан? Бугун етмиш ёшга кириб қолган онасига яна ўн бир йилдан сўнг, унинг йўлига пешвоз чиқиб кутиб олиш насиб қилармикин?

Иккинчи судланувчи Адҳам Исмоилов умуман фарзандсизлик доғидан оиласи билан ажралишиб кетган. Нимага бу ҳол уни илгарироқ ташвишлантирмаган? Нимага бугун панжара ортида йиғлаб пушаймон бўлаётган дил ўша пайтнинг ўзида аёлини ташлаб кетганидан балки оғримаган? Афсус, умрни зое қилиш бир ноқис қадамлик бўлар экан. Яна ўн йилдан кейин Адҳам қирқ ёшга тўлиб қолади. Ундан кейин ҳам қамалиб чиққан деган тавқи лаънатли шаъни билан бирор аёлнинг меҳрини қозонгунча, фарзандли бўлгунча, уларни вояга етказгунча... камолини кўришу, роҳатидан баҳраманд бўлишчи?..

... Бундан бир неча йил олдин Ҳазорасп тумани «Ўзбекистон» ширкат хўжалигидаги Исмоиловлар хонадони ҳақидаги гап-сўзлар ҳамма ёққа овоза бўлиб кетди. Даставвал, бу оиладаги тўнғич ўғил гиёҳванд воситалари савдоси билан шуғулланишда айбланиб, жазога тортилди. Сўнгра эса бу қилмишни онаси – ўша оиланинг бекаси Марҳамат Аҳмедова такрорлади. Улар «оилавий наркобизнесменлар» деб ном олишганди. Уларни маҳалла-қўйда танимайдиган, билмайдиган, улардан хавотирланмайдиган киши қолмаганди. Бу оила қаттиқ назорат остига олиниши керак эди. Бироқ...

Ўтган йили шу қишлоқда гиёҳвандлик туфайли машъум бир воқеа содир бўлганди. Бир оиладан бирваракайига олти нафар кишини ўлдириб кетишди.

Ўша йили худди шу қишлоқда 88 та гиёҳвандликка доир жиноят содир бўлди. Бу воқеалардан кейин гиёҳфурушларнинг инига айланаёзган бу ҳудудда жиддийроқ назорат ўрнатиш лозим бўлиб қолди. Маҳалланинг фуқаролар йиғини раислигига масъулиятлироқ деб топилган киши сайланди. Аммо, кўриб турганингиздек, бундай жиноят яна такрорланди.

Судда гувоҳ сифатида қатнашган Адҳам Исмоилов яшаётган участка нозири Умид Машарипов шундай кўрсатма берди: «Мен яқиндагина фермер хўжалигида ишлаб юрганларида унинг отаси билан гаплашганман, уйига ҳам икки-уч маротаба борганман, ҳар сафар сўраганимда улар менга гиёҳванд моддаси йўқ дейишарди...»

«Йўқ дейишарди», ахир ҳаётда қай бир жиноятчи ўзининг кирдикорини ўзи фош қилган ёки кимнидир огоҳлантириб жиноятга қўл урган?! Ахир айнан шу масъул кишиларнинг, теварак-атрофдагиларнинг бефарқлиги уларнинг жиноят қилишлари учун замин эмасми? Жиноятга фақатгина жиноятчи эмас, балки уни ўз ҳолига ташлаб қўйганлар ҳам жавобгардир.

Ўша «наркобизнесменлар оиласи»дан чиққан эҳтимол сўнгги «наркобизнесмен» Адҳам Исмоилов узоққа бориб ўтирмади. У ўз тоғаси Мақсуд Рўзметов билан биргаликда иш қилди. «Қамоқда ётган акангдан хабар олиб келдим» деган нотаниш аёлга даллоллик қилиб, тоғаси сақлаб келаётган 54,88 грамм героин гиёҳванд моддасини 50 граммга ҳисоблаб ҳар граммини 27000 сўмдан сотаётган пайтида қўлга тушди. Ушбу героин моддаси М. Рўзметовнинг айтишига қараганда унинг уйида бир ярим йилдан бери сақланаётган экан. Айниқса, бу киши аллақачон шубҳа уйғотган, оғудан ўзи ҳам татиган, қолаверса, ўша иши судда кўриб чиқилган «наркобизнесмен» Шарофиддин Исмоиловнинг тоғаси, Марҳамат Аҳмедованинг укаси эди. Шу далилларнинг ўзиёқ унинг уйини ҳам кўздан кечириб, шу заҳри қотилни излаб топишга асос бўла оларди.

Аслида бунга нафақат участка нозирларининг, балки фуқаролар йиғини раисининг ҳам ваколати бор эди.

Энди эса наркобизнесменлар ҳалқаси Мақсуд Рўзметов ва Адҳам Исмоилов билан узилди деб умид қилгингиз келади. Бироқ акаси ва опасининг жазоланиши Адҳамга сабоқ бўлаолмагани кишини ўйга толдиради. Жазоланувчиларнинг қаторига энди тоға ва жиянниинг қўшилуви бошқа оила аъзоларига, қолаверса, бу ҳудуд аҳлига сабоқ бўлар...

Муқаддас ИСМОИЛОВА,
журналист

АБАДИЯТГА МОЛИК БЕВАЛАР

Зиёли таклифи

Уруш фожеаси тўғрисида кўп гапирилган ва ёзилган, бу даврда яшаган кишилар уни сира эсдан чиқармайдилар. Ватан урушида 1,5 миллионга яқин энг навқирон, бақувват, тоғни урса талқон этадиган ўзбек йигитлари қатнашди. Ўша йиллари Ўзбекистон аҳолиси 6,5 миллион эди, булардан 3 млн.га яқини эркаклар бўлган ва уларнинг ярми урушга жалб қилинган. Бир ярим миллион нафар йигитнинг учдан бири ўзгалар юртида қурбон бўлди, юз минглаб кишилар урушдан мажруҳ ва ногирон бўлиб қайтди.

Уруш фожеаси ҳар бир хонадонни ўз домига тортди. Оилалар ўз боқувчиларидан жудо бўлиб, йўқчилик, муҳтожлик азобини тортдилар. Кексалар, хотин-қизлар, ёш болалар оғир меҳнат билан шуғулланишга мажбур бўлишди. Меҳнатдан тушган даромад эса асосан фронтга жўнатиларди. Расмий маълумотларга кўра, ўзбек халқи мудофаа жамғармасига 675 млн. сўм пул, 60 кг тиллани ҳадя этибди. Ўзи оч, юпун бўлса-да ўзбек халқи уруш йилларида 5 млн. тоннага яқин пахта, 56 минг тонна пилла, 1 млн. тоннадан зиёд ғалла, салкам 500 минг тонна картошка, 160 минг тонна гўшт, 90 минг тоннадан ошиқ ҳўл ва қуруқ мевани фронт эҳтиёжларига жўнатган. 200 мингдан зиёд ота-онасидан жудо бўлган етим-есирлар Ўзбекистонга юборилди, Россиядан келган неча ўн минглаб муҳожирлар ўзбек элида паноҳ топдилар. Муштипар халқимиз етим-есирлар ва муҳожирларни бағрига олиб, яримта нонини ҳам улар билан баҳам кўрди.

Мазкур воқеалар урушнинг моддий фожеаси, холос. Урушнинг маънавий оқибатлари эса бундан ҳам оғир ва аянчли эди. Деярли ҳар куни икки хонадоннинг бирига қора хат келарди. Хонадонларда йиғи-сиғилар, доду фарёдлар ҳар қандай инсоннинг жигар-бағрини ўртарди. Уруш минг-минглаб келинчакларни, аёлларни бевалик мусибатига дучор этди. Эндигина севги-муҳаббат висолига етган қиз-қизалоқлар ёру вафодоридан жудо бўлиб, аламу надоматда умр кечирдилар. Фарзандлари етиб қолган аёллар эса уйрўзғор, тирикчилик ташвишлари билан тинка-мадори қурирди. Бироқ ўзбек аёллари садоқат, аҳду вафога хиёнат қилмадилар.

Сабр-тоқат, ибою ҳаё, андиша-орият, иффату диёнатни тумор қилиб олган аёлларимиз барча азоб-уқубатларга, жабру жафоларга бардош бердилар.

Мен ана шундай жафокаш, аммо марду майдон, жасоратли аёл ҳақида ҳикоя қилмоқчиман. Бу мўътабар аёлнинг исми Саломатхон эди. Биз кичиклар уни Салом хола деб атардик. Салом хола дуркунгина, кенг манглайли, истараси иссиқ, тўғрисўз ва чўрткесар аёл эди. У киши тўрт фарзанди билан бизга қўшни бўлган Ғафур Ғуломнинг ҳовлисида, ҳовлининг этагидаги бир уй, бир айвонда яшарди. Салом холанинг отасини Тошкентда ном чиқарган ҳасанбойли Усмон полвон дейишарди. Унинг умр йўлдоши Тўлаган амаки урушга кетиб, шаҳид бўлди, Саломат холага кўмаклашиб турган тўртта азамат акаукаси ҳам фронтга кетди. Бир қиз, уч ўғилни боқиб, тарбиялаб ўстириш осон эмас. Холада бирор касб-ҳунар йўқ, турмушга чиққанидан бери фақат уй-рўзғор, болалар тарбияси билан машғул бўлиб қолган. Аввалига мактабда фаррошлик қилиб, тикувчилик билан шуғулланди. Лекин бу билан тирикчилик ўтмасди. Уруш йиллари фақат қорин тўйдириш барчанинг ғам—ташвиши эди. Салом хола жуда пазанда аёл эди. Урушдан илгариги, маъмурчилик йиллари қўшнилар ўртасида турли хил таомлар алмашиш одати бўларди. Биз болалар кўпинча Салом хола чиқарган таомларни талашиб ердик. Қўшниларникидаги маросимларда, қуда-анда чақирикларида Салом хола ош дамларди. Салом хола тайёрлаган паловнинг таърифи етти маҳаллага тарқалган эди.

Уруш йиллари тирикчилик, уй-рўзғорни тебратиш, фарзандларни боқиш учун Салом хола аввалига қанд лавлаги, зоғора нон тайёрлаб сотди. Ўша йиллари бу таомларнинг бозори чаққон эди. Улар ҳам арзон ва тўйимли бўларди. Биз, қўшни болалар, пул топсак, Салом холаникига югурардик. Баъзи кунлари ўзлари текинга зоғора нон ва пиширилган қанд лавлаги улашарди. Ўша йиллари ҳам ноинсоф, нафси бузуқ, милиционерлар бўларди. Гоҳ пайтларда Салом хола фойдасини тортиб олар, феъллари айниган пайтларда зоғора нон ва қанд лавлагини ерга ағдариб ташларди. Шундай пайтлари Салом холанинг қозони қайнамас, болалар оч-наҳор қоларди. Кейинчалик, Салом хола севган ҳунарларини ишга солиб палов тайёрлаб, бозорга чиқарди.



Авлодлар

Шуни айтиш жоизки, уруш йиллари ҳамма қўшнилар, жумладан, Ғафур ака оиласи ҳам чор-ночор эди. Шундай бўлса-да Ғафур ака баҳоли қудрат Салом холага қарашиб турарди. Салом хола табиатан ғурурли, ўта ориятли аёл бўлганидан турмуш, тирикчилик оғирликларидан зорланмасди, нолимасди. Фарзандлар ҳам она сингари қаноатли, сабр-тоқатли ва барига шукур қилиб ўсди, вояга етди.

Салом хола қўли очиқ, меҳмондўст, ҳимматли эди. Топганларини қўни-қўшнилар билан баҳам кўрарди. Бозорга тайёрлаган паловларининг ярмисини эрта тонгдаёқ қўшниларга тарқатиб чиқар, давол-дармиён бўлган қўшнилар деворида косаларда палов пайдо бўлиб қоларди. Айниқса, биз болалар ҳар куни Салом хола ошини пойлардик.

Уруш ҳам тугади, барча тинч ҳаёт кечиришга, унутилган орзу-ҳаваслар, эзгу ниятларни рўёбга чиқаришга ошиқди. Салом хола аёл боши билан тўйлар бошлади. Унинг учала фарзанди ҳам қобил маълумотли солиҳ ва қобил фарзанд бўлиб вояга етдилар. (Бир ўғиллари уруш йиллари вафот қилди).

Ғафур Ғулом Салом холага катта марҳамат қилганди. Ҳовлиларига туташ бўлган майдончани Салом холага берди. Улар иморат қуришга киришди. Салом хола оиласи шинамгина бошпанага эга бўлди.

Бизнинг Кадиобод маҳалласида бевалар кўп эди. Уларнинг бари Салом холага ўхшаб садоқатли, вафодор, заҳматкаш аёллар бўлган. Биргина маҳаллада юзлаб бевалар бўлса, бутун Ўзбекистонда юз минглаб бева аёллар уруш азоб-уқубатлари, дарду аламларини тортдилар.

Урушнинг моддий ва маънавий фожеаси ўзбек халқи учун ғоят даҳшатли эди. Бундай даҳшат ва адолатсизликнинг моҳиятини Президентимиз Ислом Каримов чуқур англатди, 9 май -Хотира ва Қадрлаш кунига айланди. Мустақиллик майдонида Хотира мажмуаси барпо этилгани, Шивли даҳасида шаҳидлар зиёратгоҳининг бунёд қилинганлиги нур устига аъло бўлди.

Мен бир оддий фуқаро сифатида бир таклифни ўртага ташламоқчиман. Бева қолиб, уруш мусибатлари ва машаққатларига бардош бериб, садоқату вафо бобида ибрат бўлган аёлларимиз хотирасини абадийлаштирсак, бирор кўримли майдонга улар хотирасига атаб ёдгорлик ўрнатилса, кўп савобли ва хайрли иш бўлар эди. Уруш фожеаларини, унинг даҳшати ва адолатсизлигини фақат Хотира ва Қадрлаш кунида эмас, балки ҳар доим халқимизга, айниқса, ёшларга эслатиб турсак, ёш авлод қалбида миллат, Ватан ва мустақилликни қадрлаш туйғуси ортарди.

Фатхулла АБДУЛЛАЕВ,
шарқшунос олим,
журналист

Биласизми?

НИМА ҚАНЧАДАН?

Бугунги кунда телевизорлар оиланинг бир аъзоси каби хонадон тўридан жой олгани биз учун табиий бир ҳолга айланган.

Шу каби коммуникациялар замонавий яшаш тарзини белгиловчи бўлиб қолмоқда. Телевизорлар, кундалик ҳаёт кўзгуси бўлган газета, шунингдек, телефон аппаратлари неча кишига қанчадан тўғри келиши ҳақида билишни истайсиз деган ўйдамиз. «Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза Ўзбекистон – 2000» йилномасидан олинган ушбу кичик жадвал Сизни шу ва шу каби маълумотлар билан таништиради.

	1995	1997	1999
Телевизорлар сони (ҳар 1000 кишига)	103	84	61
Кинотеатрларга бориш (аҳоли жон бошига)	0,3	0,2	0,3
Газеталар нусхаси (ҳар 100 кишига)	7	7	8
Чоп этилган китоблар нусхаси (ҳар 100000 кишига)	5,2	4,8	3,6
Енгил автомобиллар борлиги (ҳар 100 кишига)	3,8	3,6	3,8
Телефон аппаратлари (ҳар 100 кишига) дона	7,1	6,7	6,4
Телефон аппаратлари (ҳар 100 қишлоқ кишисига), дона	2,2	1,9	1,7
Почта жўнатмалари (ҳар 100 кишига)	0,6	0,01	0,02
Халқаро телефон сўзлашувлари (аҳоли жон бошига)	2,5	3,1	4,1

МУТЕЛИКМИ, МАСЪУЛИЯТ?

Сиз атрофингиздаги кишиларни уларнинг фикри орқали таний борасиз. Фикрни фикр инкор қилади, ёхуд маъқуллайди, таҳлил этади. Эшитувчи фикратида айтилган фикрнинг мағзи чақилади, фикр ортидаги кишининг дунёқараши қайсидир даражада намоён бўлади. Турли фикрлардан эса атрофида баҳс кетаётган муаммонинг ҳаёт тарзида ўз-ўзидан ечимини топиб кетмагани, баҳсталаб бўлаётгани сабаблари ҳам равшан бўла боради.

Мулоҳаза, баҳоларда эса ҳаётга хизмат қила биладиган фикрлар кўпчилик томонидан танланила боради, аксинча фикрлар тасдиғини топа олмаслиги мумкин. Зеро, жаҳолатдан ҳеч ким ва ҳеч бир миллат рўшнолик топмаган.

Эътиборингизга ҳавола қилинаётган қуйидаги чиқишларга акс-садо мазмунидаги мақолалар билан кейинги сонларимизда танишишингизни айтар эканмиз, сиз азиз мухлисларимизни ҳам мубоҳасага чорлаймиз.

«МТ»нинг шу йил 8 июн сонида чоп этилган «Жаҳолат ҳам гирдоб» сарлавҳали мақола муаллифи Қ. Рўзматзода шундай ёзади: «Инсонни аёл жинсига мансуб бўлгани учун камситиш, таҳқирлаш ва айни вақтда эркакнинг ўзи учун алоҳида имтиёз талаб этиши, жуда юмшоқ қилиб айтганда, зўравонликдир. Ўз иймонига эга бўлмаган одамларда ҳеч инсоф ва диёнат, меҳр ва шафқат бўлмайди...»

Аввало, «аёл жинсига мансуб бўлгани учун» камситилган ёхуд таҳқирланган аёл – инсонни мен ўзим таниганбилган кишилар орасидан топа олмадим. Ва мақола муаллифи ҳам аниқ мисол кўрсатмаган. Энди ЭРКАК сўзи хусусида: бу сўзни Одамга нисбатан қўллаш у қадар тўғри эмас. ЭР, ЭР КИШИ деган нисбат сўзлашув маданиятига мувофиқ. ИЙМОН масаласида бироз нозик дид бўлмоқ жоиз. Зеро, тирик инсонни иймонли ёки иймонсиз, дейиш ноўриндир, чунки буни фақат худо билади, баҳо беришга у ҳақли.

«... аёлнинг эркак олдидаги, қайнона ва қайнота олдидаги эрксизлиги, мутелиги» кўринишига келсак, бу – қайси жиҳатдан туриб баҳоланишига боғлиқ.

Демоқчиманки, «ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди!».

Эрига тик қараб, гап талашган, қайнона-қайнотаси хизматидан бўйин товлаган аёл ҳеч бир даврда барака топган эмас. Аёллик назокати, бекалик масъулиятини мутелик ва ёки эрксизлик сифатида изоҳлаш, энг аввало, шарқона тамойилга, қолаверса, диний таълимотга зид ҳолатдир. Шу ўринда бир ҳадиси шарифни эсга олайлик:

«Хотин учун энг ҳақлиги эридир, эр киши учун энг ҳақлиги онасидир!».

Она ҳам аёл!

Энди бир саволга жавоб топайлик: «Оилавий муносабатларда эри ёки қайнона-қайнотаси билан ҳақ-ҳуқуқ талашиб, обрў топган АЁЛ бормикан?» Менинг назаримда, оила мустаҳкамлиги муросаю мадорага, аёл (келин)нинг зийраклигига боғлиқ. «Эр киши – кўчанинг одами!» – деган нақл бор. Лекин кўчадан келибоқ, энг аввало, аёлини сўроқлайди. Шунинг ўзиёқ МЕҲРнинг дебочаси бўлса, неажаб!

Аёл оилада нимаики кўрса, ўз фаҳми, тили ортидан кўради. Оила – муқаддас даргоҳ! Бу қутлуғ маскан эгаси икки киши – ЭРу АЁЛ! Минг афсуски, яқин ўтмишимизда кимлардир оилага нисбатан «ячейка» сўзини топиб берди. Шу баҳона маҳалла фаолию, хотин-қизлар кенгаши участка нозиригача оилавий масалага аралашадиган бўлди. «Ақл бўлувчи учинчи одам»лар касрига қанча-қанча оилалар бузилиб кетганлигига шубҳа йўқ.

Жамиятнинг оғриқли қатлами – ЖИНОЯТ ОЛАМИ, деб қаралган. Айнан шу қатламда бир ўта ибратли удум бор. Яъни, ҳеч маҳал эру аёл келишмовчилигига, оилавий масалага аралашилмайди!

Ўзини зиёли (демакки, ақлли!) ҳисобловчи табақа эса, аксинча иш тутади. Ўз қизидан тортиб, етти ёт бегонанинг турмуш-турмушига ҳам аралашаверади.

Ўз вақтида қарийб 70 минг нусхада чиқадиган газетада бўлим мудири эдим. Ва кўплаб аёлларнинг оиласи, эри устидан шикоятини тинглаганман. Аксарияти «эрим уради», «рўзғорга қайишмайди», «топганини ичади», «бегонага илакишган» каби гапларни эринмай такрорлашарди. Лекин «нега уради, нимага қайишмайди, нима учун чекади, нечун бегонага илакишган?» деб савол қўйиб, сал чуқурроқ таҳлил қилинса, буларнинг бир учи албатта аёлнинг ўзига боғлиқлиги аниқ!

Муаллиф Қ. Рўзматзода яна шундай ёзади: «... ҳозирги шароитда хотин-қизлар



Тойлоқ туманидаги «Султон-М» фермер хўжалиги иссиқхонасидан асосан лимон етиштирилмоқда. Ҳар йили ҳосил чўғи баланд бўлмоқда. Шу боис деҳқонлар 34-мактаб биносини таъмирлашга ёрдам беришда, муҳтож оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Айни пайтда кексалар учун чойхона қурилиши бошлаб юборилган.

Суратда: Хўжалик аъзоси Мунаввархон Бердиева

ни афзал кўраётгани ёки ўз жонига қасд қилиш» ҳолларини ижтимоий ҳаётдаги баъзи салбий ҳолатлардан излаш тўғрироқ бўлар эди. Негаки, дейлик рўзғорига етказолмаётган муаллим қандай хотиржам дарс ўтади? Журналист долзарб мавзудан кўра енгил-елпи қалам ҳақи учун мақоланавислик қилса бунинг боиси нимада? Ёки маданият уйи ходими, кутубхоначи ўз касбига фаррошлик, қоровулчиликни қўшиб олиши яхши ҳол эмас.

Ўзим ҳақида гапирсам, икки олий ўқув юртини битирганман, икки диплом эгасиман, лекин саккиз йилдан бери расман ҳеч ерда ишламайман. Иш йўқлиги учун эмас, балки меҳнатимга яраша маош ололмаслигим боис. Эрталаб 9 дан 19 гача арзимас 15-20 минг сўм учун ишлашга мажбур ҳамкасбларимга ачинаман...

Оилавий муносабатларнинг кескинлашувида айнан иқтисодий етишмовчиликнинг алоҳида ўрни бор.

Биздаги мароссим-удумлар неча асрлардан бери мавжуд. Ва бу одатлар ҳеч маҳал ҳеч кимдан қуллик талаб қилмаган. Аксинча, гўзал удумларни ўзимиз мураккаблаштириб, ўзимиз қул бўлганмиз. Оддий ҳақиқат: бундан 25 йил олдин қиз узатилганда битта сандиғу қути, 7-8 та кўрпа-кўрпача, битта шолча (кигиз ё палос) берилган.

15 йил олдин қўша-қўша мебел-жиҳозларни удум қилдик. Ёки «Бор товоғим, кел товоғим» каби аёллар борди-келдисининг изи узилмайди.

Энди айтинг-чи, бу удумларни ким ўйлаб топди, эрларми ёки аёллар? Аслини олганда ёлғиз яшашни аёлларга нисбатан эрлар кўпроқ афзал кўрмоқда!

Яна бир мулоҳаза: ўзбек аёлини эрксиз, пассив дейишга ҳеч қандай асос йўқ. Зеро, кейинги 5-6 йил ичида айнан бизнинг мамлакатда аёллар шахсига беқиёс эҳтиром, эътибор кўрсатилмоқда. Ҳатто айрим раҳбарлик ишларига лаёқати учун эмас, АЁЛ бўлганлиги туфайли тайинланганлари бор. Шунингдек, хотин-қизларга бағишланган кўрсатувлару алоҳида нашрлар мавжудлиги биздаги аёл шахсига эътибор намунасидир. Лекин аксарият жойларда хотин-қизлар кенгаши раиси айнан шу йўналиш нашри – «Оила ва жамият», «Саодат»ни олмаслиги, ўқимаслиги ажабланарли, лекин улар учун табиий ҳолат! Маънавий юксаклик сари, энг аввало, инсоннинг ўзи интилмоғи шарт.

Маънавият дегани бозордан келтириб едирса бўладиган егулик эмас. Яна бир эътиборлиси, Қ. Рўзматзода халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият соҳаларида хотин-қизлар салмоқли ўрин эгаллашини таъкидлаган. Жуда тўғри таъкид.

Энди эътибор қилинг: ИИВнинг «Постда», «На посту», «Қалқон», «Шит» нашрларидан ташқари пойтахт ИИБнинг «Огоҳ» газетаси 11 минг нусхада чиқарилади. Тошкентда 10 минг нафар атрофида милиция ходими бор. Ва улар ўз нашрларига обуна бўлишлари шарт.

Муаллим, шифокор, маданият ходимлари сони милиционерлар сонидан бир неча марта кўп. Лекин улар ўз нашрлари «Маърифат», «Халқ сўзи», «Халқ таълими», «Оила шифокори», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»дан ҳеч бўлмаса биттасига хонадони учун обуна бўлганмикинлар? Муаллимларнинг кўпчилиги аёллардир.

Нега ИИВ йўлга қўйган тадбирни Халқ таълими, Маданият ишлари, Соғлиқни сақлаш мутасаддилари жуда бўлмаганда ўзидан кўмак берган ҳолда қўллай олмайди?

Тўғри, «Жаҳолат ҳам гирдоб!» Энг катта жаҳолат – маърифатдан йироқлик! Маърифатдан йироқ одам ўзини муте, эрксиз ҳисоблаб юраверади. Ана буниси фожиа!

Оила – бир салтанат! Аёл – шу салтанат вазири! Салтанат тақдири айнан вазирнинг тадбиркорлигига боғлиқ, десам муболаға бўлмас!

Дилмурод САЙИИД

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг!..

ОДОБ-АХЛОҚ ПОЛИЦИЯСИ КЕРАК... МИ?

Негадир кўринишининг ўзиёқ талай жиноятларнинг олдини ола биладиган полиция дарраси бизда йўқ. У бўлиши керак – кўпдан-кўп давлатларда шундай. Киши полициячининг сўзига кирмадими – бир-икки дарра еса «мулла» бўлади қўяди.

Боринги дарра қорасининг, шамасининг ўзиёқ безорини жиноят қилишга бетлаттирмайди, кўчада одоб-ахлоқ доирасидан четга чиқувчи қилиқ қилаётган йигит-қизларни эса одобга солиб қўяди. Қўйингчи қанчадан-қанча суд ишларининг олди олинади.

Бундан ташқари кейинги йилларда аёлларнинг хирсни қўзғатадиган кўйлаклари ҳам жиноятнинг кўпайишига муқаррар сабаб бўлмоқда: киндик атрофлари билан гир айланган бел яланғоч, қўлтиқ-гардан очиқ. Сон қурмагур бўлса қовуққача лорсиллаб турибти.

Ёхуд кўйлак ёки юбканинг ёни, орқаси қичиқ-қийиқ қилиб кесиб қўйилганки, юрганида сони лип-лип этиб кўзни олади.

Бир қиз автобусга чиқди: сийнабандини туфли ипидек қилиб орқасига тортиб-тортиб қўйибти. Иштон ўрнида капкалта труси...

Бас! «Шаҳар бедарвоза эмас!». Одоб-ахлоқ полицияси керак! У шу хилдаги «либос»ни ўзига эп билган аёлларни териб жаримага тортиши даркор. Жаримани тўласа хўб-хўб, унинг паттаси билан уйигача етиб олади. Йўқса маълум жойга олиб бориб, то кўйлагини иффатли қилиб, жаримани тўламагунича банди қилиб сақланади.

Аёл киши кўйлагининг енги тирсаккача, этаги эса (кам деганда) тиззадан 5 см паст бўлиши қоида–мода қилиб қўйилмоғи керак!

Одоб-ахлоқ полицияси учун мавжуд милиция штатидан 4 киши (икки эркак ва икки аёл) ва кичик бир автобус ажратилса кифоя: бутун шаҳарга етади.

Бу гап шаҳардаги беистисно барча аёлларга тааллуқлидир. Дастлабки маҳаллалар вокзал ва аэропортга биттадан навбатчи – тикувчи чиқариб қўйилади ва улар шаҳримизга келувчи аёлларнинг куйлагини «иффатли қилиб» қўлдан чиқазиб бериб туради.

Жазирама иссиқни важ қиладиган аёллар бўлса хўш, шўринг қурғур эркаклар худога нима ёзишибти-а? Шимининг почаси ер супургидек. Кўйлагининг енги тирсакдан юқорига чиқмайди. Юришибти-ку чидаб (Ана сизга парадокс).

Ҳолбуки илгарилар эркак кишининг тақимидан юқориси, аёл кишининг эса тўпиғидан юқориси оврат ҳисобланилган.

Мавлоно Мискин:
«Қош устида фарқни эгри қўёсиз,
Ошиқларингиз бетиғ сўёсиз.
...Раҳм айламайсиз зебо санамлар»

деб сочнинг эгри очилган фарқининг ўзигаёқ зил кетганлар. Ҳозирги ҳолларни кўрсалар нималарни деган бўлардилар-у?

Телевизорда кўриб турамиз: Япониянинг ҳозир биздаги элчиси хонимнинг кўйлаклари нақадар иболи-иффатли, нақадар латофатли! Ана сизга тимсол-андаза, ана сизга соҳибжамоллик.

Абдулла МАВЛОНИЙ,
Тошкент давлат техника университетининг доценти.
Шарафиддин КЎНЧИ.

(«Хирс мулло мешават аз зарби чўп»)

Шаҳидлар хотираси

КАТАФОН

Наим КАРИМОВ

(Боши 1—бетда)

Менинг отам Фотиҳ Каримов узоқ йиллар давомида Маориф вазирлигида хизмат қилган. Отамизнинг хизмати туфайли орттирган дўст-ёрлари – бошқа вилоятлик маориф ходимлари уйимизга тез-тез келиб туришар эди. Кунларнинг бирида Наманган вилояти халқ маориф бўлими мудири Ирисбек Назаров келиб, уйимизда тунаб қолди. У уйқуга кириш олдида стол усти чироғини ёқиб, ниманидир ўқиган бўлди. Анча вақтдан кейин, ярим кечаси уйғониб қарасам, ҳали ҳам чироқ ёниқ, аммо меҳмон уйқу оғушида ором олаётгандек эди. Мен аста бориб, бояги чироқни ўчирдим. Лекин кўп ўтмай, Ирисбек ака яна чироқни ёқди. Бу – қуш уйқусига ўрганган кишининг безовта кунлари экан.

Ирисбек ака янгигина қамоқдан чиққани учун зулматдан қўрқар, хаёлида қоронғилик тушиши билан НКВДдаги жаллодлар унинг бошига ит кунини солишлари мумкиндек эди. Ирисбек аканинг куни кеча кўрган азоблари кино тасмасидек тунда, уйқу соатларида такрорланавериб, унга ўн карра ортиқроқ азоб берар экан. Мен бу воқеани эшитганимдан кейин чироқни ўчириб, унинг тунги фоний фароғатини бузганимдан узоқ вақтгача афсусланиб, эзилиб юрганман.

Камина олий ўқув юртида ўқиб юрган кезларимда бизга, бошқа домлалар қатори, Турсун Иброҳимов деган тилшунос олим ҳам сабоқ берган. Ўша пайтда бу ажойиб инсон қамоқдан янгигина қутулиб келган, шунинг учун бўлса керак, на талабалар, на бошқа домлалар билан мулоқотга киришмай, дарс берарди-ю бир зумда ғойиб бўлиб қоларди. Ниҳоятда маданиятли, келишган, узун бўйли киши эди. У дарсхонага кириши билан лекцияни бошлар, мавзу бўйича сўнгги жумлани айтиши билан қўнғироқ чалинар эди. Унинг қандай қилиб бундай аниқликка эришгани ўша пайтда биз учун сир эди. Энди билсам, бу чинакам профессионализм, ҳатто артистизм экан. Нафақат саҳнада, балки ҳар бир соҳада ҳам артистизм – маҳорат бўлиши лозим. Раҳматли Турсун ака ана шундай юксак маҳоратга эришган сиймо эди.

Камина Миллий хавфсизлик хизмати архивида ишлашим асносида унинг ҳам «дело»си билан танишиб чиқдим. У 1908 йил 23 сентябрда Булунғур туманининг Девонатепа қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, Қримдаги давлат университетини тугатиб, Самарқандга қайтган ва 1930 йили Ўзбекистон давлат университети аспирантурасига кирган. Сўнг аспирантурани Ленинградда ўтаб, 1934 йилнинг январида Тошкентга қайтгач, Маданий қурилиш илмий-текшириш институти – ҳозирги Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёти институтида илмий ходим бўлиб ишлаган. Турсун ака атоқли тилшунос Ғози Олим Юнусовнинг севимли шогирдларидан ҳисобланган.

1937 йилнинг ола-тасир йилларида республикалар, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ўртасида қама-қама бўйича мусобақа авж олган кезларда қатағон қиличидан на олим омон қолди, на деҳқон. Ғози Олим Юнусов ўша йилнинг 3 июлида қамоққа олинди. Орадан кўп ўтмай, 1938 йил 28 апрелда шогирд ҳам маҳбуслик либосини кийди. Уни гўё Ғози Олим



Навқирон қўша қариганлар.

Саҳифалардаги суратларни Т. Ҳамроқулов олган.

Юнусов 1935-1936 йилларда Сафо Зуфарий ва Иброҳим Назирий билан бирга ёллаб аксилинқилобий ташкилотга олиб кирган, бу ташкилот эса ўз олдига Ўзбекистонни СССР таркибидан ажратиб олиб, мустақил буржуа давлатини барпо этиш вазифасини қўйган экан. Ғ. О. Юнусов дастлаб ўз гарданига қўйилган айбни тан олмаган. Аммо мислсиз қийноқлар орқасида, Фан қўмитаси раиси Отажон Ҳошимнинг топшириғига кўра, юқорида зикр этилган кишиларни аксилинқилобий ташкилотга ёллагани ҳақидаги сўроқномага имзо чекишга мажбур бўлган.

НКВД ходимлари ана шу тарзда ўз қармоқларига халқнинг мумкин қадар кўпроқ вакилларини илинтириш ва шу машъум хизматлари билан раҳбарлари кўзига яхши кўриниш, иложи бўлса, дурустроқ тақдирланишга ҳаракат қилишган. Бу нафс бандаси бўлган, мўмин-мусулмон кишиларни инсон ўрнида қўрмаган кимсалар туфайли улардан юз баравар ақлли, истеъдодли, олижаноб кишилар жувонмарг этилдилар.

1938 йил 2 октябрда собиқ СССР Олий Судининг Ҳарбий Коллегияси совет давлати олдида заррача айби бўлмаган Турсун Иброҳимовни отиш ҳақида ҳукм чиқарди. Аммо маҳбуснинг аризаси инобатга олиниб, иш қайта кўрилгунча у 27 кун мобайнида ўлим камерасида ётди. Иш қайта кўрилганда эса унга қўйилган айб исботланмади ва у 1939 йил 20 августда озод этилди. Ҳақиқат тантана қилди. Бироқ, бу вақтинчалик тантана эди...

1955 йили 24 декабр куни Турсун Иброҳимов НКВД ходимига бундай кўрсатма берган:

«Терговчи Шарипов аксилинқилобий ташкилотга даҳлдорлигим тўғрисида ўзи ёзган баённомага имзо чекмаганимдан кейин мени ҳар куни калтаклади ва, бундан ташқари, «конвейер» деб аталган усулни қўллади. Мен Шариповнинг хос хонасида 5-6 кунлаб узлуксиз тик ҳолда турдим. У бу усулни менга нисбатан бир неча маротаба қўллади. Мен «конвейер» пайтида кун ва тун бўйи мижжа қоқмай тик туриб чиқдим. НКВДнинг Шарипов, Сааков ва Цепюк деган ходимлари эса навбатчилик қилдилар. «Конвейер» қўлланган пайтда менга бир чақмоқ қанд, бир кружка сув ва бир бурда «анжир» нон берилди. «Конвейер» оқибатида оёқларим шишиб кетиб, пойафзал ҳам киёлмай қолдим, пайпоқсиз, оёқяланг юришга мажбур бўлдим. «Конвейер» пайтида ҳушдан кетиб, ерга йиқилган пайтларим ҳам бўлди.

Тергов жараёнида Шарипов билан Сааков агар уларга керакли сўроқномага имзо чекмасам, 42-камерага юборамиз, деб дўқ-пўписа қилишди...

Бундан ташқари, шуни айтишим лозимки, Шариповнинг хос хонасида спорт ҳалқалари осилиб турар, силласи қуриган маҳбуслар «конвейер» пайтида қўлларидан шу ҳалқаларга осиб қўйилар эди. Бир куни «конвейер»га тушиб, ортиқ тик туролмай қолганимда терговчи Шарипов бошқа ходимлар ёрдамида қўлимни бояги ҳалқаларга боғлаб қўйди ва мен ярим осилган ҳолатда оёқ устида турдим.

Собиқ ЎзССР НКВДсининг ички қамоқхонасида мен билан бирга бўлган профессор, композитор Успенский, Ўзбекистон комсомоли МҚнинг котиби Холиқов, САГУ доценти Цапенконинг айтишларига кўра, НКВД биносининг биринчи қаватида 42-рақам остида маҳбусларни қийнаш мақсадида махсус хона жиҳозланган экан. Бу хона деворлари кийгиз билан қопланган бўлиб, унда қўйилган катга маҳбусни боғлаб қўйиб, қийнашар экан...»

Мен Турсун аканинг мунгли «одиссея»сига шу ерда нуқта қўяман. Турсун ака ва унинг қисматдошлари чеккан азоб-уқубатларни ёзиб одоқ этиб бўлмайди. 130 йил давом этган мусибатли тарихимизда бундай қонли саҳифалар тўлиб-тошиб ётибди.

Баъзан ўйлаб қоласан киши. Агар XX аср бошларида маърифатпарварлик ҳаракати билан бутун бир миллатни уйғотмоқчи бўлган жадидларга эрк ва имконият берилганида, улар барпо этган Туркистон Мухторият ҳукумати қонга ботирилмай, 1921-1923 йилларда Германияга ўқишга юборилган 70 дан зиёд истеъдодли ёшлар омон қолганида, улар изидан яна ўнлаб ва юзлаб йигит ва қизлар дунёнинг нуфузли дорилфунунларида таҳсил кўриб келганларида она-Ўзбекистонимиз ҳозир қандай юксалиш босқичида яшаган бўларди!


Бу гўзал орзуларнинг шаҳло кўзларини мустабид тузумнинг жирканч қўллари ўйиб ташлади.

Аммо мустабид тузумнинг қатағон машинаси бу орзу-хаёлларнинг эрксевар халқ қалбидаги илдизларини мажақлаб ташлай билмади. У бунга қодир эмас эди. Қатағон қиличидан гуноҳсиз кишилар қони дарё бўлиб оққанида ҳам бу орзу-умидлар бугун мустақиллик ва миллий тараққиёт йўлидан шаҳдам одимлар билан бораётган халқ қалбида яшил барглар ёзиб яшади.

Ўзбек халқи эндиликда аждодларимиз орзу қилган, янги авлодларнинг дили ва интилишлари билан уйғун бўлган жамиятни барпо этмоқда. Худо хоҳласа, бу жамиятда инсон ҳуқуқлари ҳимояланган, Ҳақиқат, Адолат, Эзгулик ва Имон гуллари барқ уриб очилган, Эрк ва Ҳурлик қуёши саратон офтобидек нур сочиб турган бўлади.

Шундагина шаҳидлар хотираси олдидаги бурчимизни ўтган бўламиз.

ТУРОН ЙЎЛБАРСИ ҚАНИ?



Бундан 60 йиллар муқаддам Ўрта Осиёни ҳамма дарёлари бўйларидаги тўқайзорларда ваҳшатию яна бир жиҳатдан гўзал кўриниши билан табиат боғрини тўлдириб юрган бу йўлбарс номи ҳозирги кунда фақат тарих саҳифаларида қолган.

Мушуксимонлар оиласининг вакили ҳисобланган Турон йўлбарси Сирдарё, Амударё, Балхаш кўли атрофларида, ҳатто Тошкент шаҳри атрофида жойлашган Чирчиқ дарёси, Ҳасанбой қишлоғидаги тўқайларда ҳам яшагани бизга маълум.

Кексаларнинг айтишларича, 1930 йилларда Ҳасанбой қишлоғида одамхўр йўлбарс пайдо бўлган ва ерлик аҳоли овчиларни йиғиб унга қарши ов уюштирган экан. Минг афсуски, ҳозир бу жонивор мутлақо тур сифатида тугаб битган. Яшаш ареалининг торайиши, озуқа миқдори камайиши, (бу тур одатда ҳайвонлар ёввойи чўчқа, қуён, қирғовул, кийикларни овлаб еган) ва унга нисбатан бўлган беўлчов, беҳисоб ҳужумлар - бу йўқотишнинг асосий сабабларидир. Зеро, энг йиртқич жониворлардан тимсоҳлар ҳам узоқ ўлкаларда табиат мувозанатининг узвий қисми бўлиб ҳаёт кечирадилар. Негадир ўз вақтида Турон йўлбарсини муҳофазага олиш масаласида ҳеч кимнинг бирор таклиф билан чиқмаган. Аксинча, ўша пайтларда уни то қирилиб битгунича тутиш ва отишга рухсат этилган. У даврда Тошкентда яшаган айрим олимлар, жумладан, Колесников ва бошқалар Туркистон ҳайвонот оламига доир бир китоб ёзишган. Унда Туркистон ўлкасида яшовчи бир нечта ҳайвонлар ҳақида қисқа-қисқа маълумотлар келтирилган.

"Турон йўлбарси - ҳозирги кунда (1947 йил) Амударё соҳилларида тахминан 10 донача қолган. Уни зоопаркларга эҳтиёжи учун йил мобайнида тутиш мумкин. Январ-феврал ойларида отиш учун рухсат этилади"дейилади шу китобда. Бу сўзлар 10 донача қолган ноёб жонивор устидан чиқарилган сўнгги ҳукм каби эди.

Табиат жонкуярлари дейилган олимлар шу саҳифа остига, "уни зудлик билан муҳофазага олиш керак" дейиши ҳам мумкин эди ва адолатдан бўларди.

Одатда, бу йўлбарснинг бебаҳо терисидан қишки кийим тайёрлаш, гўзал жиҳоз сифатида деворда илиб қўйиш, ўтиришга ёки оёқ остига ташланадиган пўстак ўрнида фойдаланишган.

Маълумки, жаҳон урушидан сўнг собиқ совет давлати ҳамма республикаларга ишлаб чиқариш маҳсулотларини етиштиришни тақсимлаган, Украина картошка, Москва металл, Қозоғистон ғалла, Ўзбекистон эса фақат пахта етиштириши кўзда тутилганди.

Ўша йиллари Россиядан келиб Ўзбекистонни айланиб чиққан уч кишидан иборат комиссиянинг қуйидаги фикрича, пахтачиликни ривожлантириш учун Аму ва Сирдарё сувидан 100 фоиз фойдаланиш мумкин, бунда ҳатто Орол қуриса ҳам Ўрта Осиё аҳолисига ҳеч қандай салбий таъсир қилмас эмиш.

Шу ноилмий ва нохолис хулоса билан Амударё ва Сирдарё соҳилларидаги тўқайлар ўзлаштирилиб пахта далаларига айлантирилган. Бу жойлар эса Турон йўлбарсининг яшаш макони эди. Демак, тўқайзорлар билан бирга Турон йўлбарсининг насибаси ҳам қирқилди. Шу боис агар ҳозирда йўлбарс сақланиб қолганида ҳам унинг яшаши учун на овқат, на шароит қолган дейиш мумкин. Эмин-эркинликда яшаётган энг сўнгги Турон йўлбарси 1953 йилда Амударё оролларидан бирида учратилган ва Афғонистон билан туташган чегарада "Тигровая балка" деган жойда отиб олинган. Бу турдаги охирги тирик йўлбарснинг эса 1959 йилда Гамбург зоопаркида ўлиши билан ер юзида ҳайвонот оламининг гўзал бир тури йўқолган, келажак авлодларимизга у ҳақдаги афсонасифат ҳикоялару турфа суратлар ёдгор бўлиб қолди.

Абдулла АЮПОВ,
ЎзМУ биология-тупроқшунослик факултети доценти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ПАХТА БАНК»

Аҳоли ва ташкилотларнинг бўш пул маблағларини банк омонатларида сақлашнинг қуйидаги манфаатли ва қулай турларини юқори фоиз ставкаларида жалб қилишини маълум қилади:

«ҚАРИЯЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ» омонат тури — 11 февралдан эътиборан 1 октябрга қадар 1 йил муддатга нафақа ёшдаги мижозларга очилади, қўйиладиган омонат миқдорига мутаносиб равишда йиллик 40 дан 50 фоизга қадар даромад тўлаб борилади. Бошланғич бадал миқдори — 10000 сўм.

«ФАРОВОНЛИК» омонат тури — 3 ва 6 ойга очилади, йиллик 36 фоиз миқдорида даромад тўланади. Бошланғич бадал миқдори — 5000 сўм.

Юқоридаги омонат турлари бўйича ҳисобланадиган фоизлар бўйича даромадларни ойма-ой олиш мумкин.

«НАВНИҲОЛ» омонат тури — 1 йил муддатга 16 дан 25гача ёшлиларга очилади, фоизлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг молиялаштириш ставкаси ҳисобида даромадлар тўланади. Бошланғич бадал миқдори — 1000 сўм. Омонат миқдори ойма-ой оширилиб бориб, 50000 сўмга етказилган тақдирда, омонатчи фоизлар бўйича оладиган даромадлари ҳисобидан 10 фоиз миқдорида қўшимча даромад билан рағбатлантирилади.

«БАРАКА» омонат тури — ушбу омонат тури бўйича ҳисобланган фоизли даромадлар омонат қўйилган кун ёки муддатидан олдин исталган вақтда олиниши мумкин. Омонатнинг бошланғич миқдори камида 20000 сўм. Омонатлар қуйидаги шартларда қабул қилинади:

- ☑ 3 ой муддатга йиллик 20 фоиз.
- ☑ 6 ой муддатга йиллик 25 фоиз.
- ☑ 9 ой муддатга йиллик 30 фоиз.
- ☑ 1 йил муддатга 35 фоиз миқдорида даромад олиш шарти билан жойлаштирилади.

«ОҚ ОЛТИН» омонат тури — 6 ой муддатга очилади, йиллик 30 фоиз даромад тўланади. Бошланғич бадал миқдори 2000 сўм. Ушбу омонатдаги маблағга ҳисобланадиган фоизлар бўйича даромадларни ҳар ой олдиндан олиш имкониятига эгасиз.

«ПАХТАКОР» — 3 ой муддатга очилади, йиллик 25 фоиз миқдорида даромад тўланади. Бошланғич бадал миқдори — 1000 сўм.

Муддатли омонатлар:

6 ой муддатга — йиллик 30 фоиз.

1 йил муддатга — йиллик 36 фоиз.

1 йилдан 3 йилгача муддатга — йиллик 40 фоиз ҳамда **3 йилдан 5 йилгача муддатга** — 45 фоиз миқдорида даромад тўланади. Ушбу банк омонатларига чекланмаган миқдорда омонатлар қабул қилинади.

ОМОНАТИНГИЗНИ АСРАЙМИЗ ВА КЎПАЙТИРАМИЗ!

Фоиз ставкалари асосида даромадлар тўлаб борилиши кафолатланади.

Доимо ишончли ҳамда юқори манфаатли банк омонатларини Сиз «Пахта - Банк»нинг барча 184 та бўлимларида ва 90 дан зиёд минибанкларида очишингиз мумкин.

Бизнинг манзилимиз: 700096, Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 43-уй.
Маълумотлар учун телефонлар: + 998 (712) 781296; Fax: + 998 (71) 1208818; Telex: 116412 IRIS SU;
SWIFT: PAKHUZ 22. Эл-почта: headoffice @pakhtabank. com, pahta bnk@online. ru; ИНТЕРНЕТ: www. pakhtabank. com

Пахта-Банкнинг ҳудудий бошқармалари манзили	Телефон
Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси 742000, Нукус шаҳри, А. Шомуродов кўчаси, 101	(36122) 23523 223498
Андижон вилоят бошқармаси 710021, Андижон шаҳри, Бобуршоҳ шоҳкўчаси	(37422) 45496 42216
Бухоро вилоят бошқармаси 705014, Бухоро шаҳри, Бобур шоҳ кўчаси	(36522) 38647 38452
Жиззах вилоят бошқармаси 708000, Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 7	(37222) 38934 62687
Қашқадарё вилоят бошқармаси 730000, Қарши шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 29	(37522) 31598 39801
Наманган вилоят бошқармаси 716018, Наманган шаҳри, Б. Машраб кўчаси, 1 «а»	(36922) 40457 41573
Навоий вилоят бошқармаси 716018, Навоий шаҳри, Меъморчилар кўчаси, 25	(43622) 47431 58761

Пахта-Банкнинг ҳудудий бошқармалари манзили	Телефон
Самарқанд вилояти бошқармаси 703057, Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой кўчаси, 4	(3662) 310191 310359
Сурхондарё вилояти бошқармаси 732000, Термез шаҳри, А. Навоий кўчаси, 9	(37622) 27910 27914
Сирдарё вилояти бошқармаси 707000, Гулистон шаҳри, Н. Маҳмудов кўчаси, 21	(3672) 252661 250896
Тошкент вилояти бошқармаси 700128, Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 9	(371) 1440982 415602
Фарғона вилояти бошқармаси 712000, Фарғона шаҳри, А. Навоий кўчаси, 11	(3732) 247904 246724
Хоразм вилояти бошқармаси 740000, Урганч шаҳри, Баҳодирхон кўчаси, 183	(36222) 64556 63280
Бектемир бўлими 700182, Тошкент шаҳри, Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 4 «а»	(371) 903461 1950224

«ПАХТА-БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАФОЛАТИДИР!

Ёдимиз лавҳалари

ВАҚТ ҲАКАМ



Уруш... йўқчилик, мусибатлар... Барчасига меҳнат ва вақт ҳакам экан дейди Зайнабхон опа. Куни билан ишлаб туни билан аёзли зулмат кечаларда кўсак чувиб яна тонг билан далага...

Фронтчи бригадалар... Ҳа қай бирини айтай. Қачон ўтмишни хотирласак инсон ҳар қандай шароитда ҳам ғамандуҳни, меҳнат билан унутар, санъат билан овунар, дардли дилига малҳам қўяр экан. Қува тумани марказидаги чойхонадан, ҳозирги масжид ўрнида ёзинқишин одам аримас, ҳам чойхона, меҳмонхона, клуб, маданият уйи вазифасини бажарар эди.

Чойхоначи Тошака яхшигина ғижжакчи эдилар. «Женотдел»ни ҳамма тадбирлари шу ерда ўтказилар, Бахмал опа деган асли марғилонлик женотдел фаоли ашулачи опа бўлар эди. Ўша даврда оммалашган «Сулико» ашуласини ҳаммамиз жўр бўлиб айтар, Тошакани ғижжаги куйларига монанд Бахмал опа қўшиқ бошлар, уларнинг ёнида қора мағиздан келган истараси иссиқ, кулча юзли тенгдошимиз Таваккалжон қўшилиб хиргойи қилар эди. Чор атрофга илиб қўйилган керосин чироқларнинг хира, шу билан бирга сирли ёғдусида айтилаётган қўшиқларини тинглаб бутун ғаму ташвиш, чарчоқни унутар эдик. Энди билсам, юрт бошига тушган уруш балоси, айрилиқ доғи, мислсиз машаққатлар инсонни бир-бирига ниҳоятда яқинлаштирар экан.

Ўша даврларни бирга ўтказган тенгдошларим, дугоналарим билан бир умр бирга ҳамроҳ, суянчиқ, ҳамдард, ҳамфикр, дўст бўлиб қолдик. Ярим тунда уй-уйимизга тарқалар эдик. Таваккалжон «Сулико»ни бошлаб яна ҳаммамизни қўшиқ гирдобига олар, шу билан «Йўлимизни яқин» қилар эдик. Дўстлари билан ҳамма қизларни уй-уйларига кузатиб сўнг 3 тош йўлга уйига пиёда кетар эди.

Кейинчалик туман марказида ўтказиладиган кўрик танловларида иштирок этиб унинг ғолиби бўлди. Биринчи марта вилоят кўрик танловига (Санъатсевар) Нурмуҳаммад ака Тошматов Таваккалжонни олиб келиб вилоят санъат шинавандалари ҳукмига ҳавола қилган ва Таваккалжон бу юксак имтиҳондан шараф билан ўтган эди.

Яна бир воқеа эсимда... 1985 йиллар вилоят театруси биносида вилоят хотинқизларининг катта анжумани бўлган эди. Бунга «Мумтоз» рақс санъатимиз юлдузи Мукаррама опа ҳам ташриф буюрган эдилар.

Анжумандан сўнг концертда опадан «Тановор»ни ўйнаб берасизми деб сўраганимизда «Таваккалжон айтсалар» деган эди. Шунда йиғилиш тугаб концерт бошлангунгача Қувадан Таваккалжонни топиб келиб Тановорни айттирган эдик. Шу бўлдию «Тановор» икки бетакрор санъаткорнинг бир умрлик ҳамроҳи бўлиб қолди. Олий табиат «Тановор» қўшиғини Таваккалжон учун, рақсини Мукаррама опага ҳадя қилгандай. Опа «Тановор»ни Маъмуржон ака айтсалар яйраб, Таваккалжон ижросида кўкларга парвоз қиламан дер эдилар. Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Таваккалжон анча машҳур бўлиб мухлислари узоқ яқиндан яхши кунларига таклиф қилишар, шу билан Қувада кам бўлар эдилар. Бир куни ён қишлоғига тўйга боради. Фотиҳадан сўнг қўшиқни бошламай кўчага чиқиб кетади ва шу қишлоқлик дўстларидан «Тинчликми?» маъюс кўринасизлар? Опа кўринмадилар? деган саволларига дўстлари ҳеч гап йўқ деганларига қарамай кўнглим нотинч айтинглар деб қўярда-қўймай қистаган. Кўп йиллар турли вазифаларда ҳалол-пок меҳнат қилган ўз меҳр муҳаббати билан эл ҳурматини қозонган тўйхонадан уч эшик наридаги ҳовлида яшовчи Саврихон опа Юнусованинг Рустамжон исмли ёлғиз ўғли оламдан ўтганлигини айтадилар. Таваккалжон тўйхонага кириб узр мен опанинг ўғилли ўтганини билмабман, фотиҳага келмаганман, у кишининг маҳалласида қўшиқ айтолмайман деб тўйхонадан уларникига бориб ҳамдардлик билдириб, кетиб юборибдилар. Таваккалжонда нафақат таниш билиш, унда ҳаммага баб- баробар меҳр-муҳаббат, юксак эътибор бор эди. У санъат юлдузи даражасига кўтарилганда ҳам биз уни ўша-ўша болаликдаги содда, самимий ва меҳрибон, зийрак Таваккаллигича қолганига ҳайрон қолар эдик. Ҳа, устоз қўшиқда Фарғона булбули, одамийликда инсонлар кўнглининг қули эди. Шунинг учун ҳам бир умр эл эъзозида, санъатсевар мухлислари меҳрининг гултожи бўлиб қолди.

Омонжон Ҳошимов

ҲАЁТ ИЛҲОМИ

ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши аъзоси, партия ва газетамизнинг фаол тарғиботчиси, таниқли журналист Омонжон ака Ҳошимов қутлуғ 60 ёшга тўлди. Фидойи сафдошимиз Омонжон аканинг толе кулган шижоатли кунлари тикланиш қадамлари билан шаҳдам келаётир, десак муболағаси йўқ. Навқирон қалбли, мудом ҳаёт илҳомига ошно маслакдошимиз Омонжон акага эзгу тилаклар билан узоқ йиллар омон бўлинг, деймиз.

Балки тўним жанда бўлса бордира,
Сочларим ҳам мисли қиров қордира.
Аммо кўнглим ғунчалашдан толмагай,
Бахтим илҳом деган бир ёр ёрдира.

* * *

Кўчасида кезар эдим биргина
Кўнглим дейди бир ҳовлига киргина
Кира й десам баҳонаи сабаб йўқ,
Кирмай десам соғинчимга адад йўқ.

* * *

Ажиб дилбар дўстга тутар нонини,
Тили билан бергудайин жонини,
Меҳри ила орттиради шонини,
Шайдо қилиб ошиқ Омонжонини.

Улуғлар ҳаётидан

БОЖАМНИНГ АЙТИШИЧА...

Божам билан биз ён қўшни эдик. У киши ёшлигида ота-онадан жудо бўлиб, етимхонада тарбия олган. Маълумки, собиқ совет етимхоналарида таълим-тарбия рус тилида бўлган. Божам ҳам етимхона, сўнг институтда ҳам рус тилида таълим олган. Ўзбек оиласига куёв бўлгач, ўзбек тилида ҳам бемалол гаплашадиган бўлиб қолган эди. Табиатан оққўнгил, хушчақчақ, дилкаш одам. Узоқ йиллардан бери Темир йўл транспорти институтида ишлаб, кафедра мудири, декан вазифаларини бажариб келган.

Кунлардан бир куни божам Кадиобод маҳалласидаги дўконга озиқ-овқат харид қилгани кирибди. Дўкон Ғафур аканинг болахонаси тагида жойлашган эди. Дўкончи Ҳусниддин исмли бегидир, ҳазилкаш йигит эди. Ғафур ака Кадиоболдаги уйларига борганида албатта дўкондан хабар олар, савдо-сотиқни суриштирар ва Ҳусниддин билан ҳазил-ҳузул қиларди. Бундан фойдаланган дўкончи ун, гуруч, шакар ва мой тақчиллигидан нолиб Ғафур ака орқали шу молларни «райпишеторг»дан ундириб олар эди. Шу боисми, Ғафур аканинг матбуотда чиққан барча шеърларини тўплаб юрарди. Ғафур ака ҳам янги шеърлари чиқса, унга ўқитар, Ҳусниддин ғазалларни яхши ўқирди. Иттифоқо, божам дўкондалигида Ғафур ака келиб қолибди. Ҳамма билан кўришгач, божамга кўзлари тушибди. Ёнидан газета чиқариб, унда чиққан шеърларини ўқиб беришни сўрабди. Божам минг ҳижолат билан ҳижжалаб шеърни ўқий бошлабди. Тўрт сатр ўқимасданоқ, Ғафур ака божамни тўхтатибди. «Ҳў бола, сени синамоқчи эдим. Ахир шеърни расво қилдинг-ку, оддий ўзбекона Ғафур Ғуломни Гофур Гулям дейсан-а! Ўзинг ўзбек бўлсанг, эл-юртинг, туғилган Ватанинг Ўзбекистон аталса, наҳотки ўз она тилингни унутган бўлсанг? Тўғри, ўрисча ўқигансан, ўрисча тарбия олгансан. Лекин, сенга ўхшаганларнинг кўпи икки тилда гаплашади-ку! Ўқимишли, билимдон зиёли эканингни эшитганман. Ўғлим, ўзбеклигингни, ўзбекчиликни, миллатингни сира унутма. Охиратинг куймасин... Мендан хафа бўлма, отанг тенги одамман, сендайларга биз насиҳат қилмасак, ким қилади. Мана бу газетани олгинда, шеърни қайта-қайта ўқи, зора тилинг келишиб қолса». Божам газетани олиб, қизариб-бўзариб дўкондан чиқиб кетибди.

Табиат ва биз

Шундан сўнг Ғафур ака бизнинг боққа кириб воқеани кула-кула дадамга айтиб бердилар. Божам боғимизга туташ ҳовлида яшарди. Бир вақт қулоқ солсам, божамнинг баланд қироати эшитилиб қолди. Девордан мўралаб қарасам, шеър ўқияпти. Бир вақт Ғафур ака ҳам девор яқинига келиб, уни кузата бошлади. Божам шеърни берилиб, зўр иштиёқ билан ўқир, тили, талаффузи анча равонлашган эди. Шеър машқи алломага маъқул бўлди, шекилли. «Баракалла ўғлим, насиҳатимни қулоққа олибсан, ҳар ҳолда томирингда ўзбек қони бор-да», — деб қўйди. Божамнинг айтишича, Ғафур аканинг тил сабоғи, панду насиҳати кор қилиб, у ўзбек адабиётига, ўзбек тилига бир умр ихлос қўйган.

Ф.АБДУЛЛАЕВ

ВОДИЙ АФАНДИСИ

«Бутун мамлакатда Адҳам Ҳамдамдай оғзаки ҳикоялар устаси йўқ!»

Саид АҲМАД,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Адҳам Ҳамдам наманганлик ижодкорлардан Парда Турсун, Турғун Пўлат, Чустий, Сотим Улуғзода, Ҳусниддин Шариповлар билан яқин алоқада бўлган. Санжар Тилла, Абдулла Мирзаев, Рўзи Раҳмон каби журналистлар билан ҳамкорлик қилган. Эргаш, Одилжон Носиров, Ортикали Номозовлар ижод гулшанига етаклаган. Ҳабиб Саъдуллани сафарларида олиб юрган, унинг лирик шеърларини қадрлаган. Қуйида Адҳам Ҳамдамнинг турли йиллардаги ижодидан намуналар ўқийсиз. Адҳам Ҳамдам даврасига марҳамат!

«НАВОИЙГА САЛОМ АЙТ»

Урушдан олдинги Самарқанд. Буюк Алишер Навоийнинг 500 йиллик тўйига қизғин ҳозирлик кетяпти. Ўша даврнинг севимли шоирлари Ҳамид Олимжон, Насрулло Даврон, Ўткир Рашид, Элқинлар тўй комиссиясининг етакчилари. Адҳам Ҳамдам эса тўй ҳайъатининг котиби. Шу соҳадаги барча ҳужжатларни тайёрлаш, маблағ ундириш, ташкилий ишларни бошқариш котиб зиммасида. Обкомнинг ўша даврдаги биринчи котиби Константин Виноградов деган саводи ғовлаган одам. Адҳам Ҳамдам барча ҳужжатларни кўтариб юқорига чиқади. Биринчи котиб ёш шоирни совуққина кутиб олади:

– Нима гап? – сўрайди у.

– Шоир Алишер Навоий юбилейи яқинлашмоқда. Мана бу ҳужжатларга қўл қўйиб берсангиз.

– Что говоришь? Навоий подождёт, ундан бошқа ишлар ҳам бошдан ошиб ётибди, – дейди у деразага бефарқ қараркан. – Ҳозир шоир-поир билан шуғулланадиган вақт эмас.

Адҳам Ҳамдам иккинчи куни ҳам саркотибдан рад жавобини олди. Ҳар доим кулиб-кулдириб юрадиган Адҳам Ҳамдам ғамгин ҳолатини кўрган шоир Ўткир Рашид унинг кўнглини овламоқчи бўлди:

– Адҳамжон, шу битта одамга Навоийнинг кимлигини англатолмадингизми? – деди у. – Гапни боплаб, қотириб ташлайсиз-ку!

– Эртага қотириб ташлайман...

Эрталаб келса, обкомда тумонот одам. Адҳам Ҳамдам ҳеч кимга эътибор бермасдан ғоз юриш қилиб, навбатсиз котиб ҳузурига кириб кетади.

– А, яна ўша шоир-ку, опять Навоий, да? эслайди саркотиб.

– Э, ишлар чатоқ, дорогой, – жиддий тусда гап бошлади Адҳам Ҳамдам. – Кеч қолдик. Ҳозир Усмон Юсупов қўнғироқ қилдилар. Балога қолдик. Вақтида имзолаб бермадингиз...

– Нима, Навоийдан бошқа гап йўқми, ҳозирги замонда?

– Ўзингиз биласиз. Менга барибир. Ҳозир ҳазрат Навоий Москвадан Тошкентга келибдилар. Эртага Самарқандда бўлишади.

– Ҳой, шоирча, жиннимисан? Навоий Москвадан келгунча қараб туравердингми? Эртага Самарқандга келса уятдан ўламиз-ку? Обке, ҳужжатларни, нечта ўзи? Ҳаммасига қўл қўйиб бераман. Яна нима керак? Шоир, қулоқ сол. Эртага менинг енгил автомашинамни олгин-да, Навоийни ўзинг кутиб олиб, менинг ҳузуримга олиб кел. А пока передай привет!

– Мен кутолмайман, темир йўл вокзалига Усмон Юсуповнинг ўзлари чиқишяпти.

– Нима дединг, – дея Виноградов ўрнидан сакраб турди.

Адҳам Ҳамдам Виноградовни лол қолдирганидан хурсанд бўлиб, кутиб турган қаламкаш дўстлари ҳузурига қайтади.

ҚЎЧҚОР

Адҳам Ҳамдам катта йиғилишда бир қурилиш ташкилоти бошлиғи билан ёнмаён ўтирарди. Бирдан минбардан катта хўжайин Умидбоев савалай бошлади:

– Кўприкбоев сира одам бўлмади. Бажарган иши кулчанинг тешигидай. Чорак топшириқлари уддаланмайди. Нима билан шуғулланади ўзи бу одам?

Кўприкбоев секин Адҳам аканинг қулоғига шивирлади:

– Акажон, нима қилай, хўжайин ғирт ёлғонни ёғдиряпти. Топшириқлар бажарилмаган кун ўзи йўқ. Ерга ургани-урган.

Адҳам ака секин унинг қулоғига энгашди:

– Қобилжон, уйда қўчқорлардан борми?

– Иккита зўр думбалик қўчқорларим бор.

– Амалдорнинг ҳовли-жойини биласизми?

– Э, ҳозирги замонда билмай бўладими, акажон.

– Энди укажоним, ўша икки қўчқорнинг баҳридан ўтасиз. Эртага тонгдаёқ уларни хўжайиннинг ҳовлисига етакланг. Биттасининг думбасига исм-шарифингизни ёзиб ҳовлисига киргизиб юборинг. Ана кўрасиз, натижа яхши бўлади.

...Навбатдаги чорак якунига доир йиғилиш. Катта бошлиқ яна Қобилжон Кўприкбоевдан бошлади:

– Мана, ҳурматли ўртоқлар, ҳалол ва очиқ танқиддан муҳтарам укамиз Қобилжон Кўприкбоев ўзгарди. Тўғри хулоса чиқарди. Бу ўтган сафарги йиғилишимизнинг улкан ютуғи. Қаранг, топшириқлар юз, ёруғ юз.

– Е, тавба. Адҳам ака, қаранг, хўжайин мени мақтаяптиларми?

– Қобилжон, минбарда хўжайинмас юмалоқ, думбали қўчқор гапиряпти, – деди маъноли қараб Адҳам Ҳамдам.

ВОЙ-ДОД

Шоир Шукрулло Адҳам акаларникига меҳмон бўлиб келди. Қарасаки, ҳовлида бир-биридан бақувват йигитлар юришибди.

– Адҳамжон ака, буларнинг ҳаммаси сизга қарашлими? – сўради меҳмон.

– Ҳа, Шукрулложон, бизга қарашли бўлмай, қўшнига қарашлими? Бари ўзимизнинг хирмондан. Отларини ҳам эслаб қололмаяпман. Сўнггиларининг исмлари адабиётимиз қаҳрамонларига яқин бўлгани учун эслаб қолганман. Мендан яшириниб тургани Темир, атиргул ёнидаги Алишер, олма дарахти тагидагиси Беҳзод, гилос тераётгани Гули, қозон кўтариб келаётгани Шерзод, меҳмонлардан қолган паловни паққос тушираётгани Фарҳод. яна биттаси туғилса бўлди, деймизу, отини Войдод қўямиз, вассалом!

ҚОЗОН БИТТАМИ?

Адҳам Ҳамдам Косонсойда бўлганида раҳбарлардан бири:

– Адҳам ака, биз томонларга бир келибсиз-да, қанақа таомларни хуш кўрасиз, – деб сўрабди. – Девдеб уларга далда берган. Шу сўхбат сўнггида эшик қия очилиб самарқандлик журналист Пиримқул Юсупов кириб келади:

– Адҳамжон ака, «қувилганлар»ни ишга олаётган экансиз, менга ҳам жой борми? – дея гап бошлабди у. – Ҳеч бўлмаса Самарқандда бирга ўқиганимиз, ишлаганимизни инобатга олинг.

– Ие, сен нега ҳайдалдинг, дўстим?

– Э, Адҳам ака, ароқ қурғурнинг касофати-да!

– Бўпти, юр, пастки қаватга тушайлик. Бош ҳисобчининг темир сандиғида «Московское» ароғи бор. Ўшани шунча жойдан омон-эсон етиб келганинг учун урамиз, сўнгра бир тўхтамга келармиз. Билмадим, сен қишлоқ хўжалигига доир мақолаларни қийиб юборасан. Редакциямизга қишлоқ хўжалик бўлимига мудир керак. Эртага обкомга олиб бориб, тасдиқдан ўтказиб келаман.

Иккинчи кун Адҳам ака Юсуповни обкомга олиб боради. Анча суҳбатдан сўнг самарқандлик қаламкаш тасдиқдан ўтади. Бир неча кундан сўнг эса обкомдан қўнғироқ бўлади.

– Адҳамжон, – деган майин овоз эшитилади. – Турсун Қамбаровман. – Бу ўтган ҳафтада менинг ҳузуримга олиб келган мухбирингиз шаҳар ўртасидаги арикда чалқанча ётибди-ку? Боши айланиб тушиб кетибдимикинна?

Биринчи котибнинг қўнғироғидан шошиб қолган Адҳам Ҳамдам:

– Турсун Қамбарович, ахир мухбир қаерда ётсин, мавзуга яқин бўлиши керак-ку? Мен унга кузги ариқ-зовурлар ҳолатидан репортаж ёзиб келишни буюргандим. Шу соҳани ўрганаётганга ўхшайди, – деди ҳозиржавоблик билан.

Ҳажвчи ва саркотиб бараварига кулиб юборишади. Ўртада ичкиликни эплай олмай ариққа тушиб кетган мухбир омон қолиб, кўп йиллар икки мўътабар ишончини оқлаб ишлади...



Суратда: (чапдан) шоир Назармат, ёзувчи Адҳам Раҳмат, ҳажвчи Адҳам Ҳамдам

МУХОВКА

Ўтмиш СССР даврида машҳур журнал «Крокодил»нинг махсус мухбири, ҳажвчи Леонид Ленч Адҳам Ҳамдам уйида меҳмон бўлади. Вақт ярим тунга бориб қолган. Ўзбек конягига шайдо бўлиб келган москвалик меҳмон «Налей Адхам, еще налей», деб тутирибди.

– Вот последний, – деб Адҳам ака икки пиёлага баббаробар қилиб шишанинг охирини қуйибди. Бирдан меҳмон пиёласига каттакон пашша келиб тушибди.

– Адҳам в пиале муха, смотри, – дебди ширакайф Леонид.

– Ну и чтож, уже полночь, коняка в запасе нет. Давай выброси лучше – эту муху и выпей мой дорогой. Я тебе расскажу хорошую пословицу по этому поводу. Меҳмон пиёладагини пок-покиза бўшатиб, сўнг сўрабди:

– А, ну-ка Адхам расскажи что это пословицу ты придумал?

– Друг мой, всю жизнь мы пили русскую зубровку, потом перцовку, а то что ты сейчас выпил – это Ферганская муховка!

– Ну, даёшь Адхам, ты посадил меня в галоши, – деган экан машҳур ҳажвчи.

БИР КУНИ

Бир куни Адҳам Ҳамдамнинг хонадонига шоир Толиб Йўлдош меҳмон бўлиб келади. Адҳам ака уни Шоҳимардонга олиб бориш ниятида Водилга келишса у ердаги танишлари «Шоҳимардон йўли берк, карантин. Қадамжойда ГАИчилар ўтказишмаяпти, – дейишипти. Адҳам ака: «Бир йўлини топармиз», – дея йўлда давом этибди. Қадамжойда яқинлашганда Толиб Йўлдошнинг бошига катта оқ сочиқни ташлаб, кўкрагига бир учини осилтириб, «қўлингнинг кафтини жуфтлаб, пешонангга олиб бориб ишшайиб туравер, аммо чурқ этмайсан, укдингми?» – деб тайинлабди. Адҳам ака шлагбаумга яқин жойда машинасини тўхтатиб, ГАИчиларга тушунтира кетибди:

– Ҳиндистондан катта ёзувчи келган. Шоҳимардон ҳақида тарихий роман ёзмоқчи. Ана машинада ўтирибди. Исми Толиб Ибн Йўлдош Бхатра.

ГАИчилар машина ичига қарашса қошлари энли, ўсиқ, қоп-қора «ҳинд ёзувчиси» кафтларини жуфтлаб, пешонасига олиб бориб ишшайиб «салом» қилиб турганмиш. ГАИ ходимлари дарров Адҳам акага «честь» бериб оқ йўл тилашибди.

ҚАЕРЛИКСИЗ?

Республика ёзувчиларининг Дўрмондаги ижод боғида Адҳам Ҳамдам ёш адиблар билан суҳбатлашиб ўтирган пайтда, бир ёш шоир:

– Адҳам ака, ўзи қаерликсиз? – деб сўраб қолибди.

– Тошкентлик, десам ҳам бўлади, чунки шу ерда туғилганман. Самарқандлик десам ҳам хато бўлмайди, ўша ерда ўқиганман. наманганлик, десам ҳам ҳаққим бор, чунки ўша шаҳардан фронтга кетганман. Андижонлик ҳам, дейишади мени, чунки урушдан сўнг ўша вилоят бўйича «Қизил Ўзбекистон» газетасининг махсус мухбири бўлганман. Фарғоналик, дейишади. Тўғри водийда 30 йилдан ошиқроқ «Коммуна» газетасида муҳаррир, муҳаррир ўринбосари, ёзувчилар саркори бўлиб ишлаганман. Дангалига ўтсак – ўзбекистонликман...

ГАП НИМА?

Республика ёзувчилар уюшмасида катта йиғилиш бўлиб, атоқли шоир Ғафур Ғулом маърузачи экан. Маърузанинг чўзилганидан тоқати тоқ бўлган самарқандлик драматург Исмоил Акрам ўрнидан туриб:

– Гап, дегани нима ўзи? деб қопти.

– Шаъмани тушунган Ғафур ака:

– Гапми, укагинам? Бу Адҳам Ҳамдам, дегани.

Залда «гур» кулги кўтарилиб, Ғафур Ғулом минбардан тушиб кетган экан.

КЎР ИЧАК

(Касалхона, навбатчи врачнинг хонаси. Врач ўз столида ёзиб ўтирибди. Эшик очилиб қўлида йўғон пакет қўлтиқлаган бири семиз, иккинчиси новча ориқ, башанг кийинган кишилар ҳовлиқиб кириб келишади. Врач ўрнидан туриб мулойимлик билан уларни қарши олади).

ВРАЧ – Салом, келинглар.

БИРИНЧИСИ – Келдик. Сиз кимсиз?

ВРАЧ: – Мен навбатчи врач Караматов бўламан.

ИККИНЧИСИ: – Хўш, бугун кечаси Сизга Карим Абдуллаевични олиб келишдими?

ВРАЧ: – Кечаси соат учларда «тез ёрдам» машинасида олиб келишди.

БИРИНЧИСИ: – Нима гап, тинчликми?

ВРАЧ: – Тинчлик, кўр ичаклари оғриган экан.

ҲАР ИККАЛАСИ: – Кўр ичак, кўр ичак. Қандай қилиб, нега оғрийди?

ВРАЧ: – Вақтида олиб келишди, яхши бўлди.

БИРИНЧИСИ: – Яхши бўлди. Нимаси яхши бўлди, кўр ичак оғриб, у кишига азоб беради-ю, сиз яхши бўлди дейсизми?

ВРАЧ: – Вақтида операция қилдик. Қутилдилар.

БИРИНЧИСИ: – Қутилдилар, операция қилдик. Оғзингизга қараб гапиринг. Операция қилдик эмиш.

ИККИНЧИСИ: – Ким операция қилди.

ВРАЧ: – Мен. Операция қилдим, жуда енгил ўтди.

БИРИНЧИСИ: – Енгил ўтди. Сиз нималарни жовраяпсиз. Кимнинг қорнига пичоқ тортганингизни биласизми? Биласизми у киши ким, Карим Абдуллаевич!

ВРАЧ: – Бунақа вақтда кимлигининг аҳамияти йўқ. Биз учун бемор.

БИРИНЧИСИ: – Кимлигининг аҳамияти йўқ эмиш. Ҳамма нарсани аралаштириб юборманг. Ҳали жавоб берасиз. Кимнинг рухсати билан бу ишга қўл урдингиз. Буни унутманг.

ИККИНЧИСИ: – Хўп. Бўлар иш бўпти. Сиз у кишининг қорнига пичоқ тортганингизда Карим Абдуллаевич йиғладиларми?

БИРИНЧИСИ – Инградиларми?

ВРАЧ: – Йўқ, чидаб турдилар.

ИККИНЧИСИ? – Баракалла азамат. Ўзлари азаматларда. Кўзларидан бирон томчи бўлса ҳам ёш чиқмадими?

ВРАЧ: – Йўқ, чидаб турдилар, дедим-ку.

ИККИНЧИСИ: – Зарда қилмай гапиринг. Ҳали бу қилмишингизга тегишли жойда жавоб берасиз.

БИРИНЧИСИ: – Хўп. Бўлар иш бўпти. Карим Абдуллаевичнинг қорнини ёрганингизда бошқа ичакларнинг аҳволи қандай ҳолатда эди?

ВРАЧ: – Қандай бўлса, шундай эди.

ИККИНЧИСИ: – Сиз жуда ҳам раҳмсиз одамга ўхшайсиз. Парво қилмай гапиришингизни қаранг. Сиз билан бошқа жойда гапиришамиз. Тошбағир.

ИККАЛАСИ: – Қани бизга беморни кўрсатинг?

ВРАЧ: – Аввало ким бўлсаларинг ҳам киришга рухсат бермайман. Парданинг авжида юрибсизлар. Нима ҳам дердим.

(У кириб келган ҳамширага қараб)

– Буларни 7-палатага олиб киринг.

(Улар халат кийишиб ҳамшира билан чиқиб кетишади).

ВРАЧ: – Ажабо. Мен минглаб кишиларнинг кўр ичакларини олиб ташлаб, ҳаётларини сақлаб қолибман-у лекин ҳаётимизда ҳали ҳам мана бунақанги «кўр ичак»лар борлигини билмас эканман...

Ҳажвчининг ўғли,
журналист Пўлат ҲАМДАМ
нашрга тайёрлади.
Наманган

ОХИРГИ СЎЗ

Бўри минг қариса ҳам
бир қўйлик ҳоли бор

Milliy Tiklanish
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ўткир ҲОШИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Шарифа САЛИМОВА, Ойдин ҲОЖИЕВА, Мунира ҚОРИЕВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Гуландом БОҚИЕВА, Дилором МАТКАРИМОВА (Бош муҳаррир ўринбосари)

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 630.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси — 30 уй. Телефон 144-81-28. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Навбатчи — Дилором МАТКАРИМОВА

Босишга топширилди 19.30